*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

5 июль, шанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 142 (1659)

## ДЕЛЕГАЦИЯ ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси 5-8 июль кунлари Варшавада бўлиб ўтадиган ЕХҲТ Парламент Ассамблеясининг олтинчи ҳар йилги сессияси ишида қатнашиш учун жўнаб кетди.

Делегацияни кузатиб қолувчилар орасида Польша Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Богуслав Качиньски бор эди.

*● ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА*

## ТАДБИРКОРЛАРГА ЁРДАМ БЕРИЛСИН

***Вазирлар Маҳкамасида 4 июль куни Бош вазир Ў. Султонов раислигида кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштириш кенгашининг мажлиси бўлди.***

Мажлисда вазирликлар, идоралар, банклар, бозор инфратузилмаси муассасалари, мувофиқлаштириш кенгаши ҳудудий комиссиялари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Йилнинг иккинчи чорагида тадбиркорлар орасида ахборот ва тушунтириш ишларини ташкил этиш якунлари ҳамда бу йўналишда яқин вақт ичидаги вазифалар муҳокама қилинди. Республиканинг деярли барча вилоятларида тадбиркорлар учун семинар-кенгашлар ўтказилгани, жойларда ишни ташкил этиш учун методик қўлланмалар ва меъёрий ҳужжатлар етказиб берилгани, оммавий ахборот воситаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашадиган мақолалар эълон қилингани айтиб ўтилди.

Бироқ бу фаолият ҳар томонлама собитқадамлик билан амалга оширишни талаб қилади, дейилди мажлисда. Шу муносабат билан тадбиркорлар орасида ҳозир амал қилаётган кичик, ўрта ва хусусий бизнесни моддий рағбатлантиришга ҳамда қўллаб-қувватлашга оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар хусусида ахборот билан таъминлаш ва тушунтириш ишлари дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурда оммавий ахборот воситалари ёрдамида ахборот-тушунтириш ишлари савиясини ошириш, марказда ва жойларда ахборот-маслаҳат таянч пунктларини тузиш, тадбиркорларни самарали ўқитишни ташкил этиш кўзда тутилган.

Мажлисда Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов, Сирдарё вилояти ҳокими Ў. Исмоилов, Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев, Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидов тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ишлари тўғрисида ахборот бердилар. Республика банкларининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга доир фаолияти масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Мувофиқлаштириш кенгаши муҳокама қилинган муаммолар юзасидан аниқ қарорлар қабул қилди ва хусусан, республика мувофиқлаштириш кенгаши ва унинг жойлардаги комиссиялари иши тўғрисидаги маълумотларни ҳар ҳафтада эшиттириб туриш, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий комиссияларининг ишини кучайтириш, тадбиркорларга кредит бериш йўлларини пухталаштириш, экспертизаларни ўтказиш ва сармоя билан боғлиқ лойиҳаларни тасдиқлашни тартибга солиш ҳисобига тадбиркорларга ахборот билан хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан тавсиялар берилди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари В. Чжен сўзга чиқди.

## ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ — ЖИДДИЙ ИЛМИЙ АСАР

***Республика Байналмилал маданият маркази ва Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати ҳамкорлигида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобини ўрганишга бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.***

Унда республикамиз сиёсий партиялари, давлат ва ноҳукумат ташкилотлари аъзолари, миллий маданий марказ ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Илмий-амалий анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори М. Раҳмонқуловнинг «Миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик: хавфсизлик ва тараққиёт стратегиясининг устуворлиги», Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори, профессор Н. Комиловнинг «Миллатлараро муносабатларда диний эътиқоднинг ўрни», республика Президенти девони бош консультанти М. Қодировнинг «Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар якунлари ва истиқболлари» мавзуидаги маърузалари тингланди. Улар мамлакатимиз раҳбарининг янги китобида давримизнинг энг муҳим ва мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммолари атрофлича таҳлил этилгани, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатимизни янада тараққий эттириш йўллари белгилаб берилганини таъкидладилар.

Шундан сўнг республикамиздаги уйғур, немис, қозоқ ва яҳудийларнинг маданий марказлари раислари сўзга чиқиб, янги китобнинг аҳамияти ҳақида гапирарканлар, унинг миллатлараро тотувлик йўлидаги дастуриламал асар эканлигини қайд қилишди.

Анжуманда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Р. Баҳодиров иштирок этди.

**Х. АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

***Ўзбекистон Фанлар академиясида давлатимиз бошлиғи, академик Ислом Каримовнинг янги китобига бағишланган илмий-амалий конференция бўлди.***

Республика вазирликлари, идоралари, жамоат ташкилотлари, академия тизими муассасалари раҳбарлари, таниқли олимлар иштирок этган бу анжуманни Фанлар академиясининг президенти, академик Т. Жўраев бошқарди. У мамлакатимиз раҳбарининг янги асари катта методологик аҳамиятга моликлигини таъкидлади. Унда республика иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиётининг шартлари ва кафолатлари илмий жиҳатдан асослаб берилган. Муаллиф давлатимиз, жамиятимиз хавфсизлигига таҳдидни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш йўлларини аниқ кўрсатиб берди.

Анжуман иштирокчиларининг нутқларида таъкидланганидек, китобдаги назарий хулосалар ва амалий тавсияларни амалга ошириш Ўзбекистон келажакда жаҳон майдонида ўзига муносиб ўрин эгаллашининг кафолатидир. Унда мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ўзаро фойдали ҳамкорлик ва бошқа давлатлар билан иқтисодий интеграция соҳасида эришган ютуқлари, жаҳон тараққиёти нуқтаи назаридан аниқ таҳлил этилган. Маҳаллий можаролар, экологик фалокатлар, тажовузкор миллатчилик, буюк давлат шовинизми, порага сотилиш, жиноятчилик каби ҳолларнинг сабаблари очиб ташланган.

Бу асарда миллат, элат, давлат, жамият, маҳалла ва бошқа тушунчалар замонавий илмий талқин қилинган. Республиканинг табиий-хомашё ресурсларига, унинг инсоний ва илмий-техникавий салоҳиятига, ижтимоий ва ишлаб чиқариш тузилмаларига баҳо берилган. Буларнинг ҳаммаси муаллифга мамлакатимиз танлаб олган ўз тараққиёт йўлини илмий асослашга имкон берган. Мамлакат шу тараққиёт йўлидан оғишмай олға бормоқда, бу йўл жамият барқарорлигини ва иқтисодиёт тараққиётини таъминламоқда, у давлат хавфсизлигига таҳдиднинг олдини олиш кафолати ҳамдир.

Конференцияда Ислом Каримов китобининг асосий қоидалари мамлакат олимларига фундаментал тадқиқотларнинг энг муҳим йўналишларини, шу жумладан, ижтимоий-гуманитар тадқиқотларнинг асосий йўналишларини белгилаб олишлари учун ноёб имконият яратиши таъкидланди. Шу сабабли бу асарни Фанлар академиясининг барча бўлинмаларида ҳар томонлама ўрганиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бундан ташқари, асар республика мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари учун янги дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари яратишда ноёб манба бўлиши айтилди.

Конференцияга тақдим этилган маърузаларни муҳокама қилиш якунлари юзасидан анжуман иштирокчилари академия тизимида ишлаётган олимлар ва ишлаб чиқариш ходимлари учун тегишли тавсиялар қабул қилдилар.

Конференция ишида Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов иштирок этди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## МУСИҚА ФЕСТИВАЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК

***4 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлди.***

Йиғилишни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси И.Жўрабеков бошқарди. У ўз сўзида ушбу анжуман ўлкамиз Шарқ маданиятининг қадимий ўчоқларидан бири эканлигини, ҳозирда эса унинг марказларидан бирига айланиб бораётганини кўрсатиб бериши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Фестивалнинг ижрочи директори С. Аҳроров анжуманга тайёргарликнинг бориши, ташкилий масалалар қай йўсинда ҳал этилаётгани, ҳомийлик улушлари бўйича амалга оширилган ишлар, дирекция олдида турган вазифалар юзасидан ахборот берди. Регистон майдонида амфитеатр ва саҳна қурилиши, Самарқанд боғ ва хиёбонларини ободонлаштириш, меъморий обидаларни таъмирлаш, меҳмонхоналарни қайта жиҳозлаш ишларининг бориши ҳақида Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров сўзга чиқди. Унинг таъкидлашича, бу ишлар асосан тугалланган.

Фестиваль тантаналарини саҳналаштирувчи ижодий гуруҳ раҳбари, режиссёр Б. Йўлдошев саҳна безаклари, намойиш этиладиган «Буюк ипак йўли» томошаси, унинг Шарқ тарихи ва маданиятини улуғловчи ғояси ҳақида гапирди. Хорижий мамлакатлардан қатнашчи ва меҳмонларни таклиф қилиш, уларнинг таркиби ва сонини аниқлаш масалалари бўйича олиб борилган ишлар хусусида Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари И. Эргашев ахборот берди. Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т. Қўзиев фестиваль доирасида ўтадиган «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзуидаги халқаро илмий конференцияга тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида гапирди.

Мазкур халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ишлари умуман яхши олиб борилаётгани йиғилишда айтиб ўтилди. Шу билан бирга, ҳали бажарилиши зарур бўлган юмушлар ҳам анча экани, алоқадор ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам ўз вазифасини тўла-тўкис адо этмагани кўрсатиб ўтилди. Йиғилишда тегишли вазирлик, қўмита, уюшма ва ташкилотларга аниқ топшириқлар берилди. Уларни кечиктирмай, зудлик билан бажариш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев сўзга чиқди.

Ташкилий қўмита йиғилишида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ГИДРОМЕТЕОРОЛОГЛАР СЕМИНАРИ

4 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология Бош бошқармасида мамлакатимизда иқлим ўзгаришини тадқиқот қилишга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда республикамизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилот вакиллари, мутасадди вазирлик ва муассаса ходимлари, эксперт олимлар иштирок этди.

Семинарда табиий ва антропоген таъсирлар остида ер куррасидаги иқлимнинг ўзгариб боришини тадқиқот қилиш билан боғлиқ масалалар кўрилди.

Шунингдек, семинар иштирокчилари БМТнинг 1992 йилдаги иқлим ўзгаришига оид Конвенцияси доирасида мамлакатимизда олиб борилиши зарур бўлган вазифалар, жумладан, Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига доир миллий маърузага тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

*● ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА*



## «КИБО» -- БОЛАЛАРГА



*«Кибо -- болалар пойабзали» қўшма корхонасининг иш бошлаганига эндигина ярим йил бўлди. «Ўзенгилсаноат» уюшмаси, Чирчиқдаги «Бахт» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳамда Германиянинг «ЭВИМЕКС» фирмаси ҳамкорлигида юзага келган бу корхона қисқа муддатда болалар учун бежирим ва сифатли, энг муҳими, нисбатан арзон пойабзал ишлаб чиқара бошлади.*

*Қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш цехларида Германиядан келтирилган энг замонавий дастгоҳлар ишлаб турибди. Шунингдек, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларга хомашё ҳам немис ҳамкорларимиз томонидан юборилмоқда.*

*Чирчиқлик пойабзалчилар жорий йилда 250 минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқариш ниятидалар. 11 турдаги, 47 рангдаги маҳсулотлар ҳозирданоқ савдо пештахталаридан жой олиб, харидоргирлиги билан бошқалардан ажралиб турибди.*



**СУРАТЛАРДА:** ***қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш цехида; ишчи Светлана Цой; «Кибо» маҳсулотлари ана шундай сифатли ва бежирим.***

**Р. НУРИДДИНОВ**
***олган суратлар.***

## ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

*● АНДИЖОН:*

### ЯНГИ ҲАФТАНОМА

***Вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси ўзининг ҳафтаномасини «Палата» деб номлади.***

«Палата»нинг илк сони матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида ўз ўқувчилари қўлига етиб борган эди. Ҳозир у 2000 нусхада чоп этилмоқда. Бу нашр вилоятда кичик ва ўрта бизнеснинг ривож топиши, мулкдорлар синфининг кенгайиши, тадбиркор, ва ишбилармонларни бизнес олами янгиликларидан хабардор этиб боришда беминнат дастёр вазифасини ўтайди.

**Ш. ОДИЛЖОНОВ.**

*● ТОШКЕНТ:*

### ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

***Шаҳардаги Улуғбек номли истироҳат боғида мустақилликнинг 6 йиллиги олдидан «Дўст билан обод уйинг» шиори остида анжуман ўтказилди.***

Унда Ўзбекистондаги уйғур ва қозоқ маданий марказлари раислари Абдулҳаким Ахметов, Турсунмат Холбоев ва бошқалар сўзга чиқиб, ҳозирги кунда юртимизда 120 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек тинч-тотув яшаб, меҳнат қилаётганлигини мамнуният билан эътироф этдилар.

Кеча турли миллат санъаткорларининг концерти билан якунланди.

**И. ЙЎЛДОШЕВ.**

*● ҚАРШИ:*

### «ЯНА ОЛДИМ СОЗИМНИ»

***Амир Темур орденли Шаҳрисабз шаҳридаги марказий кутубхона ходимларининг ташаббуси билан Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.***

«Яна олдим созимни» шиори остида ўтган бу кечада мустақиллик куйчиси Чўлпон шеърлари ва унинг шеърлари асосида яратилган қўшиқлар янгради. Вилоят «Олтин мерос» жамғармаси маданият бошқармасининг фаоллари томонидан эса бадиий ўқиш танлови ҳамда савол-жавоб кечаси ўтказилди.

**П. ГАДОЕВ.**

*● НАВОИЙ:*

### «ҚИЗИЛҚУМ БОЙЛИКЛАРИ»

***Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида ташкил этилган «Қизилқум бойликлари» кўргазмаси ўзининг бетакрорлиги билан эътиборга моликдир.***

Кўргазмадаги Ибн Сино, Хўжа Насриддин сиймолари акс эттирилган ҳайкалчалар, кўза, хумдон, лаганлар, айниқса, томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Шаҳарликлар ҳайкалтарошликнинг миниатюра намуналари билан бирга, Қизилқум ҳайвонот дунёси ҳақида ҳикоя қилувчи бўлим фаолияти билан ҳам яқиндан танишмоқдалар.

**Т. ЭШБОЕВ.**

*● 1997 ЙИЛ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ*

## ИККИ КОРХОНА: ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

***«Олтинкўл» очиқ турдаги трикотаж ҳиссадорлик жамиятида икки йил муқаддам 77,663 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойларида бу кўрсаткич 96,250 минг сўмликни ташкил этди.***

***Бу муваффақиятга қайси омиллар ҳисобига эришилмоқда?***

-- Аввало, бизда ишчиларга ғамхўрлик бирламчи вазифага айланган, -- ҳикоя қилади фабрика касаба уюшмаси қўмитаси раиси Муҳаммаджон Қодиров. -- Уларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг унумли меҳнат қилишлари ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит мавжуд. Иккинчидан, трикотажчиларимиз бугун Германия -- Россия қўшма корхонасининг энг замонавий ускуналарида матоларни жаҳон андозалари даражасида бўяшни тўлиқ ўзлаштириб олишган. Уларнинг қўлидан чиққан маҳсулотлар рангининг тиниқлиги, гулларининг нафислиги, сержилолиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Италия, Голландия, Чехословакиядан келтирилган ақлли машиналар эса ишчиларни оғир қўл меҳнатидан халос этиш билан бирга, корхона шуҳратини ёйишга хизмат қилаётир.

Фабрика маъмурияти ишлаб топилаётган даромаднинг бир қисмини ишчилар манфаатига йўналтирмоқда. Чунончи, туманнинг чекка қишлоқларида яшовчи ишчиларни олиб келиш ва уйларига элтиб қўйиш учун олтита автобус ажратилган. Юз ўринли ошхона ишлаб турибди. Даволаш маркази мавжуд. Бу ерда турли дори-дармонлар бепул тарқатилмоқда.

Бу тадбирлар ўз навбатида ҳар бир чевар, ишчи-хизматчининг ишга бўлган муносабатини ўзгартирмоқда. Натижада улар салкам беш миллион сўм дивиденд олдилар. Шу йилнинг биринчи чорагида қўлга киритилган фойда миқдори ҳам чакки эмас: 13.680 минг сўм.

Бироқ Андижондаги яна бир корхона -- очиқ турдаги «Электродвигатель» ҳиссадорлик жамиятида бўлганимизда, бутунлай ўзгача манзаранинг гувоҳи бўлдик. Ғуломжон Воҳидов етакчилик қилаётган бу корхонада ишлаб чиқаришга янги технологияларни олиб кириш, алмисоқдан қолган ускуналар ва жиҳозларнинг баҳридан ўтишга етарли эътибор берилмаяпти.

Натижада бугунги кунда бу ерда 50 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот узоқ вақтдан буён ўз харидорини кутмоқда. Бу корхона раҳбарларини сергак торттириши керак.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**








# ҚЎРИҚ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Қашқадарё воҳасининг қишлоқ туманларида ободончиликка алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, истиқлолимизнинг 6 йиллиги арафасида одамлар кундалик юмуши учун зарур бўлган иншоотлар қурилиши жадал олиб борилаяпти. Зеро, «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган жорий йилда шундай бўлишини табиий бир ҳол, деб қабул қилмоқ керак.

Баҳористон туманида бундан 4-5 йил аввал чўл бағрида миллий услубда, барча қулайликларга эга «Деҳқон бозори» қурилади, деб айтишса, кўпчилик ажабланиши турган гап эди. Энди эса кетма-кет қад ростлаётган иншоотларга одамлар кўникиб қолишди. Бундан қувонмоқ, фахрланмоқ керак.

**СУРАТЛАРДА:** *1. «Машъал» кичик корхонаси қўли гул қурувчиларининг кайфияти баланд. 2. Яқинда ишга туширилган алоқа хизмати мажмуининг биноси. 3. Янги «Деҳқон бозори»нинг олд қисми.*

**Т. КАРИМОВ олган суратлар.**

● *«ҒАЛЛА — 97»*

# ҲОСИЛ 30 КУНДА САРАНЖОМЛАНАДИ

***Жиззах вилоятида ғалла ўрим-йиғими авж паллага кирди. Мақсад: етиштирилган ҳосилни ўттиз кун ичида йиғиштириб олиш. Бунга эришишни таъминлайдиган асосий омиллардан бири эса мавсум иштирокчиларига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришдир.***

Ҳозир шу йўналиш бўйича белгиланган тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Хусусан, Россияда ишлаб чиқарилган комбайнларга сувли майдонда 120, лалмида 240 гектар, «Кейс»лар учун эса мутаносиб равишда 600 ва 720 гектар майдон меъёр этиб белгиланган. Ўримда қатнашаётган механизатор, комбайнчи ва ишчиларга даланинг ўзида ётоқхона, иссиқ овқат ташкил этилди. Аввалдан ҳар бир меҳнаткашга бир қопдан ун, комбайнчига минг сўмдан, ёрдамчисига саккиз юз, пайвандловчиларга беш юз сўмдан пул тарқатилди. Бундан ташқари, давлат буюртмаси бажарилгач, мавсум иштирокчиларига иш ҳақи ҳисобидан натура ҳолида дон берилади.

Касаба уюшмалари билан ҳамкорликда ғаллазорда ишлаётганларни моддий рағбатлантириш шартлари ҳам ишлаб чиқилган. Россия комбайнларида бир ой ичида сувли ҳудудда 150, лалмида 400 гектар ғалла ўрган механизатор уч ярим минг сўм мукофот олса, «Кейс»чиларга эса 750 гектар учун беш минг сўм берилади.

Бу тадбирлар ғаллакорларни янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга даъват этмоқда.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● *ҲУҚУҚИЙ САБОҚ*

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТДАН БОШЛАНАДИ

**(Давра суҳбати)**

***Аслида мазкур давра суҳбатини вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот муассасалари раҳбар ходимларининг тор доирасида ўтказиш мўлжалланган эди. Бироқ мавзунинг ғоят муҳим ва долзарблиги, қолаверса, кишилардаги руҳий ташналик бу режани чиппакка чиқарди. Натижада вилоят ҳокимининг ўринбосаридан тортиб, барча ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари, Урганч шаҳри ва туманлардаги фуқаролар йиғинларининг раислари, халқ таълими, ишбилармон доиралар, китоб савдоси ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари -- жами қирққа яқин киши мулоқот иштирокчисига айланди.***

***Хоразм вилоят прокуратурасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувида кўтарилган масалалар,шунингдек, юртбошимиз томонидан 1997 йил 25 июнда қабул қилинган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармон ижросини таъминлаш билан боғлиқ муҳим вазифалар юзасидан очиқчасига ва рўй-рост фикрлашиб олинди. Мақсад аниқ ва тушунарли эди. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ҳозирги кун талабига жавоб берадими? Бу борадаги оғриқли «нуқта»ларимиз қаерда? Вилоятда қонун устуворлигига тўла эришиш йўлида қандай имконият ва муаммолар мавжуд?***

**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши раиси, вилоят прокурори Юсуфбой РАҲМОНОВ давра суҳбатини очаркан, жумладан, шундай деди:**

-- Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий чора-тадбирлардан мақсад, энг аввало, аҳолининг сиёсий тафаккурини юксалтириш, қабул қилинаётган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини кишилар онгига чуқурроқ сингдиришдан иборатдир.

«Халқ сўзи» газетаси ҳамда вилоят мувофиқлаштириш кенгаши томонидан уюштирилган мазкур анжуман ҳам ана шу йўлдаги хайрли амаллардан бири десак, хато қилмаймиз. Қонунни ҳурмат қилиш учун даставвал уни пухта билиш лозим. Зеро, ҳар қандай қонун замирида инсон манфаатлари, унинг эрк ва ҳуқуқлари ётади. Ҳадемай вилоят марказида, барча туман ва шаҳарларда ҳуқуқий билимлар тарғиботи билан шуғулланувчи махсус марказлар, маҳаллий ҳокимликлар қошида эса тегишли бўлим ва шўъбалар иш бошлайди. Бу эса ҳуқуқшунос кадрлар, тегишли адабиётлар ва қўлланмаларга бўлган эҳтиёжни янада ошириши турган гап.

Табиийки, Президентимиз Фармонида илгари сурилган дастурий йўл-йўриқлар сиз билан бизнинг зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Ҳуқуқий билимларни оммалаштириш учун маҳалла оқсоқоллари, кўпни кўрган қариялар ва уларнинг бой тажрибасига таянишимиз, соҳа олимлари ва мутахассисларнинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланишимиз лозим.

**А. САЪДУЛЛАЕВ, республика Олий Мажлиси депутати, Урганч давлат университети ректори:**

-- Дарҳақиқат, бугун муҳокамага қўйилган масала ғоят долзарб, ҳаётий. Юксак ҳуқуқий тафаккур, қонун устуворлиги эркин демократик жамиятнинг тамал тошидир. Эсларингизда бўлса, юртбошимиз ўша учрашувда бир фикрни қатъий қилиб қўйди: «Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим». Бу олий мақсадни рўёбга чиқариш учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим. Зеро, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданият кўп қиррали, яхлит жараёндир.

Ҳар бир ишнинг муваффақиятини кадрлар ҳал қилади. Шундай экан, даставвал ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш соҳасида туб ислоҳотлар ўтказилиши лозим, деб ўйлайман. Чунки эски пойдевор асосида бу ишни муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди. Маҳаллий шарт-шароитга мос дарслик ва қўлланмалар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Халқимиз ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун юрист кадрларнинг дипломидан кўра, уларнинг билими, касбий маҳорати ва малакаси муҳимроқдир.

**Г. ТОЖИЕВ, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:**

-- Фикрингизга тўла қўшиламан, ёшулли. Бугунги кундаги асосий муаммо малакали ҳуқуқшуносларнинг етишмаётганлигидир. Бошқармамиз ходимларининг бир қисмини халқ хўжалигининг турли тармоқларидан келган кадрлар ташкил этади. Ҳозир бизга 200 га яқин малакали ҳуқуқшунослар керак.

Аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини, қонун ва тартиб муҳофазасини асосан участка нозирлари олиб боришади. Таассуфки, уларнинг атиги ўн фоизигина махсус маълумотга эга, холос. Бу ҳол ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги ишларни тубдан яхшилашни тақозо этади. Аҳоли кенг қатламлари ўртасида қонунларга ҳурмат ва уларга сўзсиз итоат этиш кўникмасини шакллантириш эркин демократик жамиятнинг биринчи шартидир. Юксак ҳуқуқий маданият дегани ҳам аслида мана шу.

**О. ДЎСТЧОНОВ, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи:**

-- Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий тафаккурини ошириш бўйича дастур тайёрланаяпти. Ҳуқуқ-тартибот муассасалари, фуқаролар йиғинлари, жамоат ташкилотлари ана шу муҳим ҳужжатнинг тўлақонли ва мукаммал бўлишига ҳисса қўшишлари зарур, деб ўйлаймиз.

Давра суҳбатида қонунларга муносабат хусусида гап бўлди. Башарти ҳозир кўчада сўров ўтказиб, юртдошларимиздан баъзи қонунларнинг қандай номланишини сўрасангиз, имоним комилки, кўплари бармоқ тишлаб қолади. Биз эски тартиблар асосида яшашга ўрганиб қолганмиз. Бундай лоқайдликка барҳам бериш пайти аллақачон етган. Эркин, демократик жамиятга хос қонунларни ўрганиш нафақат фуқаролик, балки муҳим инсоний бурчимиздир.

Яна бир гап. Юртбошимиз тавсиясига кўра, ҳозир жойларда ҳуқуқий-маданий тарғибот марказлари ташкил этилаяпти. Бу яхши, албатта. Агар ушбу марказларга ташкилотчилик билан боғлиқ зарур ваколатлар берилса, улар учун муайян имтиёзлар яратилса, нур устига аъло нур бўларди.

**Б. БОБОЖОНОВ, вилоят ҳокимининг ўринбосари, давлат мулки ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи:**

-- Қонун ижросини, сўз ва иш бирлигини таъминлаш ҳуқуқий-демократик давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Буни ҳар биримиз яхши тушунамиз. Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти туфайли эркин фаолият, хусусий тадбиркорлик учун кенг йўл очилди. Илгари Урганч шаҳрида 300 га яқин хўжалик юритувчи субъектлар бор эди. Ҳозирги кунда улар сони 4000 тага етди. Демак, қонунчилик назоратини таъминлаш соҳасидаги ишлар кўлами ҳам шунча ортган. Бизни мавжуд хўжалик субъектларида қонунчиликка риоя этилишининг аҳволи кўпроқ ташвишга солаяпти. Акс ҳолда ўзаро иқтисодий ва савдо-сотиққа оид шартномалар юзаки, узоқни ўйламай тузилаётганлигини қандай тушуниш керак? Энг ачинарлиси, бундан аввало ўша шартномани имзолаган томонлар, қолаверса, давлат катта иқтисодий зиён кўраяпти.

Ҳаёт жуда мураккаб. Қонунни билмаган киши ҳар қадамда қоқилади, ўз шаъни ва қадр-қимматини зарур даражада ҳимоя қила олмайди. Бунга мисоллар кўп. Қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий аҳамияти ва таъсирчанлигини ошириш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Ҳозирги иқтисодий шароитда бизга ҳуқуқий масалада оқ билан қорани яхши ажрата оладиган тадбиркор-менеджерлар керак. Бундай иқтидорли ва билимдон кадрлар қанча кўп тайёрланса, жамиятимиз олдида турган муаммолар ечими шунча тез ва осон кўчади, деб ўйлайман.

**К. РАЖАБОВ, Хонқа тумани прокурори:**

-- Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий тарбиядан бошланади. Шундай экан, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштиришимиз, ҳуқуқий масалаларга оид оммабоп ва ҳаммабоп адабиётларни кўпайтиришимиз лозим. Тарғибот деганда, меҳнат жамоалари, маҳалла ва қишлоқлар, ўқув юртларида ўтказиладиган турли маърузалар, учрашувлар, суҳбатлар ва бошқа хил тадбирларнигина тушунмаслик лозим. Назаримизда, бу борада узоққа мўлжалланган, маҳаллий шароитга мос меъёрий дастур ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Сирасини айтганда, қонунчилик асосларини оммага етказишнинг ранг-баранг воситалари мавжуд. Шаҳар ва қишлоқларнинг гавжум жойларига радио карнайлари қўйиб, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда улардан кенг фойдаланиш керак. Чунки, радио энг оммавий ахборот воситаларидан биридир. Маҳаллий радиоэшиттиришлар дастури янги мазмун билан бойитилиб, уларнинг ҳозиржавоблиги ва жанговарлиги оширилса, қонунчилик тарғиботи учун қулай имкониятга эга бўлардик.

**Қ. РЎЗМАТОВ, Урганч туманидаги Қораовул қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:**

-- Эътибор берганмисиз: аксарият одамлар Қуръони каримни яхши тушунишмаса-да, унинг оятлари тиловат қилинган жойда дарҳол эс-ҳушларини йиғиб оладилар. Хўш, нега? Чунки бу муқаддас китобга нисбатан эътиқод ниҳоятда баланд. Халқимиз уни Ислом маънавиятининг бебаҳо дурдонаси сифатида қадрлайди. Бизнингча, Ўзбекистон Конституцияси ва қабул қилинаётган қонунларга нисбатан ҳам ана шундай табиий кўникмани шакллантириш керакка ўхшайди. Ҳуқуқий-демократик жамиятда қонун муқаддас ҳужжатга айланиши, унга итоат этиш барча учун мажбурий бўлиши лозим.

Туманимизга келсак, кейинги пайтда ҳуқуқ-тартибот масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, бу ишда жамоатчилик назорати йўлга қўйилган, махсус гуруҳлар тузилган. Ҳар бир гуруҳ малакали ҳуқуқшунослар ва участка нозирлари раҳбарлигида иш олиб боради. Маҳалла оқсоқолларининг ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари билан ҳар шанба куни ҳокимлик биносида ўтказилаётган учрашувлари одат тусига кириб бормоқда. Амалий руҳдаги бундай ҳамкорлик туман ҳудудида ҳуқуқ-тартибот муҳофазасини кучайтириш, жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш, аҳоли осойишталигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаяпти.

**М. ЖУМАНИЁЗОВ, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи:**

-- Мактаб ёшларимиз учун катта ҳаёт остонасидир. Белгиланган таълим дастурига кўра, давлат ва ҳуқуқ асослари 9-,11-синфларда ўқитилади. Ҳозир бу синфларда 75 минг ўқувчи таҳсил олаяпти. Лекин уларга сабоқ бераётган маълумотли ҳуқуқшунос муаллимлар атиги 39 нафар. Буни қониқарли ҳол, деб бўладими? Ўтган йили Тошкент олий ўқув юртининг ҳуқуқшунос-ўқитувчилар тайёрлаш факультетига Хоразм вилоятидан 12 киши ўқишга қабул қилинганди. Яқинда эшитсак, уларнинг аксарияти ўз ихтисослигидан воз кечиб, амалий ҳуқуқшунослик факультетига ўтказиш ҳақида ариза берибди.

Бизга эса малакали ҳуқуқшунос кадрлар сув билан ҳаводек зарур. Шу боис, қўл ковуштириб ўтирмай, ички имкониятларни излаяпмиз. Жамиятшуносликка оид дарсларда мавзунинг ҳуқуқий жиҳатлари кенг ва атрофлича тушунтирилмоқда. Ҳуқуқшунос педагоглар тайёрлаш бўйича семинарлар ва қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этдик. Вилоятнинг 6 та туманида ҳуқуқшунослик асосларини ўргатувчи махсус синфлар очилди. Ўтказилаётган машғулотлар амалий тусда бўлиб, бунда ўқувчилардан иборат «ҳакам»лар маҳорати, «тартиббузар»ларнинг ўзаро мулоқот ва мунозараси, «суд мажлис»ларига эътибор қаратилмоқда. Зеро, назария ва амалиёт уйғунлиги таълим-тарбия самарадорлигини оширишнинг муҳим гаровидир.

Кези келганда бир фикрни айтиб ўтишга тўғри келади. Демократик давлатни баайни мустаҳкам бино деб тасаввур қилсак, қонун ва ҳуқуқ унинг пойдеворидир. Шундай экан, ҳуқуқий тарбия навбатдаги тадбирбозликка айланиб қолмаслиги лозим. Келажагимиз ёшлар қўлида. Уларнинг жаҳон андозалари даражасида билимдон, мустақил фикрли, юксак салоҳиятли инсонлар бўлиб етишишини истасак, ҳуқуқий тарбияни қуйидан, яъни боғчадан бошлаган маъқул.

**Қ. РАҲМОНОВ, вилоят ҳокимлиги давлат ва ҳуқуқ бўлими мудири:**

-- Бугунги кунда ҳуқуқий тарғибот ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиши, бу ишнинг бошида тегишли ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари туриши лозим, деб ўйлайман. Чунки қонун устуворлиги барчага дахлдор масала. Уни қанча пухта билсак, ҳақ-ҳуқуқимизни шунча чуқурроқ англаймиз. Таклифим: ҳуқуқий билимлар тарғиботи билан шуғулланувчи жамоатчилик дорилфунуни зарур. Лекин унинг мақоми, шакл-шамойили қандай бўлади? Буни ўйлаб кўриш керак.

**Қ. КАРИМОВ, вилоят хўжалик судининг раиси:**

-- Қонун ва жамият -- муштарак тушунча. Агар оддий фуқаро қонунни билмаса, бу ҳолни кечириш мумкиндир. Лекин корхона ёки ташкилот бошлиғи ҳуқуқий саводсиз бўлса-чи? Унинг касрига бошқалар қолади. Мана, бир мисол. Раҳбарнинг ҳуқуқий ғўрлиги сабабли яқинда Янгиариқ туманидаги нуфузли ташкилотлардан бири 1 млн. сўм ҳажмида жарима тўлашга мажбур бўлди. Шундай экан, ҳуқуқий маданият учун курашни ҳар биримиз аввало ўзимиздан бошлашимиз керак.

**Ҳ. МАТЁҚУБОВ, маҳаллий телерадиокомпания раисининг ўринбосари:**

-- Ҳақ гапни айтдингиз. Қонунчилик тарғиботи масаласида биз оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган. Юртбошимизнинг бу борадаги дастурий йўл-йўриқларини амалга ошириш, ҳуқуқий билимларни оммалаштириш учун ўз фаолиятимизни тубдан яхшилашимиз лозим.

Тўғрисини айтганда, яқин вақтларгача ҳуқуқий-маърифий мавзуни ёритишда бир ёқламаликка йўл қўйиб келинди. Эндиликда бу тажрибадан воз кечиб, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар моҳиятини янги мазмун билан бойитиш, уларни бевосита ҳаётга яқинлаштириш давр талабидир. Ҳуқуқий тарғиботда аниқлик, изчиллик, таъсирчанлик бўлгандагина у кутилган самарани беради.

**Хуллас, кўтарилган мавзу юзасидан муҳим ва амалий таклифлар ўртага ташланди, ўзаро тажрибалар баҳам кўрилди, баҳс-мунозаралар бўлди.**

**Мулоқот давомида бир фикр якдил ва собит жаранглади: ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий маданият масаласи айни пайтида кун тартибига қўйилган. Янги давр, ўзгараётган мафкуравий дунёқарашимиз шуни тақозо этади. Эндиги вазифа жойларда сўз ва иш бирлигини таъминлашдан, аҳоли кенг табақалари онгида ҳуқуқий тафаккурни изчил шакллантиришдан иборат бўлиши лозим. Бу борада ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, кенг жамоатчилик ҳамкорликда фаолият юритишлари муҳимдир. Токи ҳар бир фуқаро ҳаётда қонуннинг таъсир кучини кўриб, ҳис этиб турсин. Ана шунда кўзланган мақсадларга эришишимиз осон кўчади.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари**
**Абдулла СОБИРОВ,**
**Носир ТОШЕВ ёзиб олди.**

● *ҒАМХЎРЛИК*

# ЭЗГУЛИК ИЖОБАТИ

**НАМАНГАН.** Вилоят халқ таълими бошқармасининг кенг қамровли фаолияти натижасида бу йил сентябрда 1-синфга қабул қилинадиган болаларнинг олти минг нафари боғчаларда ташкил қилинган 4 соатлик гуруҳларга жалб этилди. Жойлардаги ҳокимликлар кўмагида болаларни овқатлантириш масалалари ҳам аста-секин ижобий ҳал бўлмоқда. Бундай гуруҳларда болалар чиниқади, камол топади, мактабга янги алифбони ўрганиб боради.

* * *

**ҒИЖДУВОН.** Шаҳар ҳокимияти ва халқ таълими бўлими ҳамкорликда хайрли ишларни амалга ошираётир. Эндиликда шаҳар боғчаларидаги 764 нафар боланинг ота-оналари барча тўловлардан озод қилинди. Кичкинтойлар кун бўйи боғчада бўлиб, уч маҳал овқатланадилар, жисмоний машқлар билан шуғулланадилар, мактабдаги таълимга тайёргарлик кўришади. Ғиждувон шаҳар ҳокимияти 2 та болалар боғчасини ўз оталиғига олган.

Бугунги кунга келиб тумандаги 20 тадан ортиқ болалар боғчаси бевосита ҳомий ташкилотлар тасарруфида. Болалар учун Бухоро дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти, вилоят ўрмон хўжалиги ташкилоти, «Қудрат бобо», «Аҳмад бобо» якка деҳқон-фермер хўжаликлари, «Ростгўй» ва «Парвоз» фирмалари каби ташкилотлар (жами 17 та) томонидан маҳаллий бюджетга 1 миллион 65 минг 480 сўм ўтказилди.

**С. АБДУЛЛАЕВА,**
**Давлат таълим стандартлари бўйича республика инспекцияси бош эксперти.**



● *«ХАЛҚ СЎЗИ» АРАЛАШГАЧ...*

# ҲАҚ ҚАРОР ТОПДИ

*«Ҳурматли таҳририят ходимлари! Мен 20 йилдан ортиқ халқ маорифи соҳасида ишладим. Минглаб ёшларга таълим-тарбия бердим. Ўқитувчилик касби қанчалик масъулиятли, машаққатли эканлигини кўпчилик яхши билади. Мен буни чуқур ҳис этаман. Аммо... ушбу хатни сизларга минг мулоҳаза билан, тўғрироғи, мажбур бўлганимдан ёзаяпман. Гап шундаки, Қоракўл туманидаги 22-мактаб жамоаси ва ҳамкасбларим ўртасида ўзимга яраша обрў-эътиборим бор эди. Бироқ кутилмаганда, 1996 йилнинг декабрь ойида уйимга ишдан бўшатилганим ҳақида буйруқ юборилди. Шу пайтгача қайси айбим учун мактаб директорлигидан озод қилинганимни билмайман. Масалага аниқлик киритиш мақсадида туман раҳбарларига бир неча бор ёзма ва оғзаки мурожаат қилдим. Афсуски, ҳеч қандай натижа чиқмаяпти.*

*Президентимиз 1997 йилни Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилган. Шундай бир пайтда киши ўзининг нима учун ишдан бўшатилганини билмаса, ёзган аризалари эътиборсиз қолаверса, ғалати ҳолга тушар экан. Сизлардан илтимос, имкони бўлса, ҳақиқатни юзага чиқаришда менга ёрдам берсангизлар.*

**Сайфулло КАРИМОВ,**
**Қоракўл тумани».**

Мазкур ариза юзасидан қуйидаги жавоб олинди:

**«Бухоро вилояти ҳокимлигида Сайфулло Каримовнинг «Халқ сўзи» газетасига йўллаган аризаси атрофлича ўрганиб чиқилди. Текшириш давомида у кишининг ишдан асоссиз бўшатилганлиги аниқланди. Вилоят халқ таълими бошқармасининг 1997 йил 19 майдаги 80-рақамли буйруғи асосида С. Каримов ўз вазифасига тикланди.**

Н. ОЧИЛОВ,
Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари».

